



УЎТ:633.11.655

## **СОЯНИНГ ДОН СИФАТ КЎСАТКИЧЛАРИГА МАЪДАНЛИ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИ ТАЪСИРИ**

*Мўминов Абдували Акбаралевич к.х.ф.н., к.и.х*

*abduvali.tuminov66@mail.ru*

*Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти*

*Примқулов Авазбек Умматқулович—мустақил тадқиқотчи*

*Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти*

*@Primqulov\_Avazbek*

**Аннотация:** Мазкур мақолада соянинг махаллий нав ва хорижий навини маданили ўғит меъёриларини соя навларининг поя баландлигигамаъданили ўғитлар меъёрларининг таъсирини аниқлаш тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган. Тадқиқотнинг обьекти сифатида соянинг махаллий Хосилдор, нав ва хорижий Селекта-302 нави олинган. Тажрибада: Умуман олганда соя экинига қўлланилган азотли ўғит меъёрини оширилиб борилиши дон таркибидаги мой миқдорини кўпайшишига, оқсил миқдорини эса камайшишига таъсир кўрсатиши аниқланди.

**Калит сўзлар:** соя, нав, вариянт, кўчкат, поя, барг, маъданли ўғит, гуллаш, дуккаклаш, пишиши.грамм, дон, сифат.

**Кириш:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853–сонли “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда алмашлаб навбатлаб экиш тизимиға соя экинини асосий экин сифатида қўшиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда ошириш мақсадида асосий майдонларда тупроқ унумдорлигини оширувчи соя экинини



етиштириш технологиясини такомиллаштириш, мақбул ўғитлаш меъёрларини белгилаш ҳамда юқори ҳосилдорликка эришиш каби белгиланган вазифаларни бажаришда асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2832-сонли “2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”гиқарори қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли қарор билан 2017 йил 14 мартағи ПҚ-2832-сонли “2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”гиқарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича қабул қилинган қарорда “2017-2021 йиллар давомида республикада юқори ҳосилли соя навларини яратиш, бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш, етиштириш ва майдонини кенгайтириш соянинг юқори оқсилли ва мойли навларини танлаш, етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиши топшириғи берилган.

Республикамиздаги суғорилиб дехқончиллик қилинаётган тупроқларимизда ўстирилаётган ғўза ва кузги буғдой алмашлаб экиш тизимиға асосий экин сифатида соянинг қўшилиши ҳисобига тупроқларимизнинг унумдорлигини сезиларлик даражада яхшиланишига эришиш билан бирга ушбу алмашлаб экиш даласига экиладиган ҳар қандай қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосилдорлик албатта ортиши барчамизга маълумдир. Алмашлаб экиш тизимиға соя экинини киритилиши суғориладиган майдонларда тупроқ унумдорлигини сақланишига ҳам хизмат қиласиди.

Ҳозирда Республикада суғориладиган турли тупроқ иқлим шароитлари учун экишга тавсия этилган соя навларининг маъдан ўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари тўла илмий асосда ишлаб чиқилмаганлиги сабабли етиштирилаётган соя дони саноат талабларига тўла жавоб





бермаяпти, шу жихатдан бугунги кунда Республикалинг турли тупроқ-иклим шароитларида соя навларини маъдан ўғитлар билан озиқлантириш месъёрлари ва муддатларини белгилаш, сугориш режимларини ўрганиш, факторларни соянинг ўсиш ривожланишига, ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичларига таъсирини илмий асослаш, биологик хусусиятларини хисобга олиб жойлаштиришни ҳамда етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиши зарурияти туғилмоқда.

**Тадқиқот олиб бориш услублари ва тизими:** Дала тажрибалари 2020-2022 йиллар давомида Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтининг Сирдарё илмий тажриба станцияси тажриба даласининг сугориладиган кам шўрланган, бўз ўтлоқи тупроқ шароитида ўтказилди.

Тажриба тизими 12 та вариантдан иборат бўлиб, 4 та қайтарикда жойлашган. Тажриба варианtlарида эгат кенглиги 60 см, узунлиги 50 метр. Битта вариантнинг умумий майдони  $360\text{ m}^2$ , ҳисобга олинадиган майдон  $120\text{ m}^2$ . Тажрибанинг умумий майдони 1,73 гектарни ташкил қилди. Тажрибада соя экинини Давлат ресстрига киритилган маҳаллий “Ҳосилдор” ва хорижий “Селекта-302” навлари экиб ўрганилди.

Тажрибада соянинг “Ҳосилдор” ва Селекта -302 навлари асосий экин сифатида уруг экиш муддати (20 апрелда), кўчат қалинлиги 333 минг туп/га ( $60\text{ cm} \times 5\text{ cm-1}$ ) экиш схемасида ўрганилди.

Соя ўсимлигига олиб борилган фенологик кузатувлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услубиятлари” (ЎзПИТИ 2007), Соя ўсимлигига ўтказиладиган тадқиқотларда олиб бориладиган фенологик кузатувларни ўтказиш ҳамда бирламчи уруғчилик тизимини ташкил этиш бўйича қўлланма” ва Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтида ишлаб чиқилган илмий услублар асосида ўтказилди.

**Натижа ва мунозаралар:** Соя дуккакли экинлар орасида дон таркибидаги оқсил миқдорининг юқорилиги билан ажralиб туради. Бундан



ташқари кўп миқдорда мой сақлаши ҳам мухим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичларни қай даражада бўлиши соя навларининг биологик хусусиятларига, ташқи муҳит омилларига, стиштириш агротехникасига боғлиқлиги аниқланган. Соя дони таркибидаги мой ва оқсил миқдорларига маъданли ўғит меъёrlарининг таъсири бўйича маълумотлар қуидаги 3.12-жадвалда келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотларда сояниng Ҳосилдор навида маъданли ўғит меъёrlари (Р-90, К-60) фонда азотли ўғит қўлланилмаган андоза 1-вариантда дон таркидаги мой миқдори 20,8 фоиз, оқсил миқдори 41,0 фоизни ташкил этган бўлса, азотли ўғит соф холда гектарига 30 кг қўлланилган 2-вариантда мой миқдори 21,1 фоиз, оқсил миқдори 40,6 фоиз, азотли ўғит соф холда гектарига 60 кг қўлланилган 3-вариантда мой миқдори 21,4 фоиз, оқсил миқдори 40,3 фоиз, азотли ўғит соф холда гектарига 90 кг қўлланилган 4-вариантда мой миқдори 21,8 фоиз, оқсил миқдори 39,6 фоиз, азотли ўғит соф холда гектарига 120 кг қўлланилган 5-вариантда мой миқдори 22,2 фоиз, оқсил миқдори 38,3 фоиз, азотли ўғит соф холда гектарига 150 кг қўлланилган 6-вариантда мой миқдори 22,3 фоиз, оқсил миқдори 38,2 фоизни ташкил этганлиги аниқланди.

Соя экини Ҳосилдор навида қўлланилган азотли ўғит меъёрининг варианtlар бўйича 30 кг дан кўпайтирилиши дон таркибидаги мой миқдорини 0,3 фоиздан 1,4 фоизгача ортишига, оқсил миқдорини эса 0,4 фоиздан 2,7 фоизга қадар камайишига сабаб бўлиши аниқланди.

Сояниng Селекта-302 навида ҳам маъданли ўғит меъёrlари (Р-90, К-60) фонда азотли ўғит қўлланилмаган андоза 1-вариантда дон таркидаги мой миқдори 20,9 фоиз, оқсил миқдори 40,8 фоизни ташкил этган бўлса, азотли ўғит соф холда гектарига 30 кг қўлланилган 2-вариантда мой миқдори 21,5 фоиз, оқсил миқдори 40,3 фоиз, азотли ўғит соф холда гектарига 60 кг қўлланилган 3-вариантда мой миқдори 21,9 фоиз, оқсил миқдори 39,5 фоиз, азотли ўғит соф холда гектарига 90 кг қўлланилган 4-вариантда мой



миқдори 22,3 фоиз, оқсил миқдори 38,2 фоиз, азотли ўғит соф холда гектарига 120 кг қўлланилган 5-вариантда мой миқдори 22,8 фоиз, оқсил миқдори 37,7 фоиз, азотли ўғит соф холда гектарига 150 кг қўлланилган 6-вариантда мой миқдори 22,9 фоиз, оқсил миқдори 37,5 фоизни ташкил этганлиги қайд этилди.

### 1-жадвал

#### Соянинг дон сифат кўрсаткичларига маъданли ўғит

меъёрларини таъсири. (2022 йил)

Вариант лар	Навларнинг номи	Маъданли ўғитларнинг йиллик меъёрлари, кг/га	Мой миқдори,		Оқсил миқдори,	
			%	кг/га	%	кг/га
1	Хосилдор	N <sub>0</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	20,8	466	41,0	918
2		N <sub>30</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	21,1	555	40,6	1068
3		N <sub>60</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	21,4	610	40,3	1149
4		N <sub>90</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	21,8	667	39,6	1212
5		N <sub>120</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	22,2	675	38,3	1164
6		N <sub>150</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	22,3	671	38,2	1150
7	Селекта-302	N <sub>0</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	20,9	443	40,8	865
8		N <sub>30</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	21,5	538	40,3	1008
9		N <sub>60</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	21,9	593	39,5	1070
10		N <sub>90</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	22,3	649	38,2	1112
11		N <sub>120</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	22,8	659	37,7	1089
12		N <sub>150</sub> P <sub>90</sub> K <sub>60</sub>	22,9	655	37,5	1072

Соянинг Селекта-302 навида қўлланилган азотли ўғит меъерининг варианtlар бўйича 30 кг дан қўпайтирилиши дон таркибидаги мой миқдорини 0,6 фоиздан 2,0 фоизгача ортишига, оқсил миқдорини эса 0,5 фоиздан 3,3 фоизга қадар камайишига сабаб бўлиши аниқланди.

**Хуноса:** Умуман олганда соя экинига қўлланилган азотли ўғит меъерини оширилиб борилиши дон таркибидаги мой миқдорини қўпайишига, оқсил миқдорини эса камайишига таъсир кўрсатиши аниқланди.



### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта ПҚ-2832-сонли “2017-2021 йилларда республикада соя экини экишни ва соя дони етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта ПҚ-2832-сонли қарор.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли “ПҚ-2832-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли қарори

4.Х.Н.Атабоева, И.А.Исройлов Такрорий экилган соя навларининг ўсиши, ритвожланиши ва ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг тъсири. Шоличилик ва дуккакли дон экинларини ривожлантиришнинг истиқболлари.// Халқаро симпозиум материаллари. Тошкент. 1998. –Б. 27-28.

И.Анорбоев, М.Саттаров “Соя сердаромад экин”. Ўзб. қ/х. журнали. 2012. № 5. -Б. 11-12

5.О.Мирзаев, А.Тагаевлар “Такрорий экин сифатида соя етиштириш агротехнологияси”. Агроилм. 2017. № 5. -Б. 32-33.

У.Нематов. “Соя навлари ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилининг сугориш технологияси элементларига боғлиқлиги”. Агроилм. 2017. № 5. -Б. 33-3